



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

**"БОЙСУН –БАҲОРИ" ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ:  
ТУРИЗМ САЛОҲИЁТИ"**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ  
«БАЙСУН –БАХОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА**

**«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE  
FESTIVAL TOURISM POTENTIAL**



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**  
**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**“БОЙСУН –БАҲОРИ” ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ: ТУРИЗМ**  
**САЛОҲИЁТИ”**

**Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий**  
**маданияти халқаро илмий-амалий анжумани**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ**  
**«БАЙСУН –БАХОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА**

*Материальная и духовная культура Байсуна в мировой*  
*цивилизации*

**«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE**  
**FESTIVAL TOURISM POTENTIAL**

*Material and Spiritual Culture of Boysun in World Civilizations*

**ТОШКЕНТ**  
**«YOSH AVLOD MATBAА»**  
**2022**

**УЎК 808.5(075.8)**  
**КБК 83.7уа73**  
**A77**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги №-59 рақамли “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2022 йил 7-8- май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги баённомаси асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигида 2022 йил 6 май куни Термиз шаҳридаги Имом Исо Термизий илмий тадқиқот марказида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” халқаро илмий анжуман таъкил этилди. Анжуманга тақдим этилган илмий мақолалар тўплам сифатида чоп этилди.*

*“Бойсун-баҳори” фольклор фестивалини “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами / С. Турсунов. – Т.: “Yosh avlod matbaa”, 2022. – 578 б.*

**Масъул муҳаррир:**

*т.ф.д., проф. С.Н. Турсунов*

**Такризчилар:**

*т.ф.д.профессор А.Аширов, т.ф.д.профессор Р.Ҳ.Муртазаева  
ф.ф.д П.Бакиров, ф.ф.н Ҳ.Жўраева, ф.ф.д.профессор Н.А.Хуббидинова,  
ф.ф.д. профессор Ш.Турдимов, т.ф.д. профессор Г.В. Юлдыбаева.  
ф.ф.н.Б.Муртазоев, ф.ф.н.Н.Ўлдошев, т.ф.д. Т.Пардаев, профессор  
О.Бўриев, ф.ф.б.ф.ф.д А.Худойқулов, ўқитувчи И.Қаршиев, Б.Саидовлар.*

**Техник котиба:**

*Қўшоқова Моҳигул Турсуновна*

Мазкур тўплам Термиз давлат университетининг 2022 йил 25-апрелдаги илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилди. Тўпламда Хоржий ва Ўзбекистон республикасига оид тарихий-археологик ва этнографик, халқ оғзаки ижодиёти ҳамда фан, таълим ва тарбиянинг тарихий нуқтаи-назардан эришилган ютуқларига оид илмий мақолалар жамланган.

ISBN-978-9943-6897-5-6

“Yosh avlod matbaa”, 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги №-59 рақамли “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2022 йил 7-8 май кунлари Сурхондарё вилояти Байсун туманида ўтказиш тўғрисидаги баённомаси асосида илмий анжуманни Термиз давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигида 2022 йил 6-май кuni Термиз шаҳридаги Имом Исо Термизий илмий тадқиқот марказида “Жаҳон цивилизациясида Байсуннинг моддий ва маънавий маданияти” халқаро илмий анжуман ташкил этилди.

На основании Протокола Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2022 года провести 7-8 мая 2022 года в Байсунском районе Сурхандарьинской области фольклорный праздник «Бойсунская весна» №-59, научную конференцию состоялась 6 мая 2022 г. В Научно-исследовательском центре имама Иса Термизе в город Термезе организована Международная научная конференция «Материальная и духовная культура Байсуна в мировой цивилизации».

On the basis of the Protocol of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan from February 7, 2022 to May 7-8, 2022 in Baysun district Surkhandarya region folklore festival «Baysun spring» №-59, scientific conference will be held on May 6, 2022. The International Scientific Conference «Material and Spiritual Culture of Baysuna in World Civilization» was organized at the Scientific-Research Center of Imam Isa Termizi in Termez.



анъанавий ошхонамизнинг миллийлигини ва ўзига хослигини қадрият сифатида асраб қолиш йўлидаги сайъ-ҳаракатдир.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳасан Кўксол. Зарафшон водийсидан келган туркий халқлардаги тўрт хосиятли ҳайвонларга боғлиқ эътиқодлар. // Зарафшон воҳаси ва унинг тарихдаги ўрни. Илмий-назарий конференция материаллари. 2001 йил. 18-19 май, I-қисм. Самарқанд 2001. -Б.112-113.

2. Демидов С.М. Обряды и обычаи туркмен, связанные с земледелием и скотоводством (конец XIX-первая четверть XX в.). Материалы по исторической этнографии туркмен. Сб. статей / Отв. ред. А. Оразов. - А.: Ўлым 1987. -С.23.

3. Худойшукуров Т., Каримов М., Атоев В., Саидов Б. Овқатлашиш ва саломатлик. Т., “Медицина”. 1990., -Б.10-11.

4. Дала тадқиқотлари, Когон, Бухоро тумани, 1991 йил, июнь.

5. Дала тадқиқотлари, Навоий, Олот, Қорақўл тумани. 1993 йил, сентябрь.

6. Ислом. справочник. Тошкент, 1989. -Б.118.

7. Дала тадқиқотлари, Бухоро тумани, 1994 йил, сентябрь

8. Эгамшукурова Р. “Алпомиш” достонидаги бир таом хусусида. // Ўзбек этнографияси: Янгича қарашлар ва назарий методологик ёндашувлар. ЎзРФА академиги Карим Шонийёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжумиан материаллари. -Т.: 2004, -Б.235.

9. Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков-конца XIX-начала XX в. -Т.: «Фан», 1981.-С.116.

10. Икрамова Н.М. Узбекская кулинарная лексика. Ташкент, «Фан». 1989. -С.48

11. Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар. (Сурхон воҳаси мисолида). -Т.: “Yangi nashr” 2010.-Б.77.

12. Карим Махмудов. Ўзбек тансиқ таомлари. Тошкент. Мехнат, 1989. -Б.54.

13. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. II китоб содда дорилар ҳақида. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1956 й.

## АНЪАНАВИЙ “САБАНТҮЙ” БАЙРАМИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙЛАШУВИ

М.Б.Курбонова т.ф.н., БухДУ  
И.Т.Калонova Этнография, этнология ва  
Антропология 1-боскич магистранти

Ер юзида хар бир миллат фақат унинг ўзига хос бўлган анъана ва қадриятлари билан алохида ажралиб туради. Табиийки, хар кайси халқнинг бебаҳо бойлиги қадрият ва анъаналари бир-икки кунда пайдо бўлиб қолмаган. Инсониятнинг неча минг йиллик тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор-бир нарсанинг анъанага айниқса, қадриятга айланиши узок даврни талаб қилади. “Миллий анъаналар - миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар хусусиятлар, фаолият турлари, одатлар ва ҳислатларнинг меърос бўлиб қолиш тарзи”. [1,-Б.120]

Миллий анъаналар барча миллатларда мавжуд. Аммо, улар хар бир миллатда ўзига хос ва бетакрордир. Татар ва бошқирд халқининг асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий қадриятлари ҳам узок тарихий жараёнда шаклланган. Улар орасида татарларнинг миллий халқ байрами саналган “Сабантўй”нинг ўрни бекиёс.

Сабантўй - бошқирдча “Хабантуй” яъни “Шудгор байрами” татарлар ва бошқирдлар ўртасида баҳорги дала ишлари тугаши муносабати билан нишонланадиган халқ байрамидир. [2,-С.112] [3][4,-С.404]

Сабантўй – туркийча сабан – темир омоч дегани бўлиб, тўй эса байрам маъносини англатади. Ҳамда татар ва бошқирд халқларида баҳорги дала ишларининг тугаши муносабати билан ўтқизиладиган байрам саналади.[5,-Б. 404]

Худди шундай байрамлар Волгабўйи халқлари: чуваш, мари, мордвинлар, удмуртлар орасида ҳам, Кавказнинг айрим туркий халқлари: болкар ва Ногаисларда ҳам мавжуд, бироқ, уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу байрамнинг номида ва нишонланишида айниқса, бошқирдлар ва тоторларнинг турли этнографик гуруҳлари орасида фаркланади.

Сабантўй байрамини келиб чикиши қадим замонларга бориб, қишлоқ – хўжалиги билан боглик эътиқодга асосланади. Ушбу маросимни нишонлашдан мақсад, янги йилда яхши, баракали ҳосилни сўраш бўлган.[6,-Б 104]

Байрам илк бор 921-йилда Багдоддан элчи сифатида Булгор юртига келган Араб сайёхи Ибн Фадлан томонидан тасвирланган. [7]

1979-йилда Тотористоннинг Алкеевский туманида Ф.С.Хакимзянов томонидан Булгар даврига хос булган ягона эпитафия топилди. Бу топилма 1292-йилга тегишли бўлиб, унда “Сабантужконати” деган ёзуви булган - “Сабанмуй куни”, мархумнинг вафот этганлигига ишора қилинмоқда. Бундан кўриниб турибдики, ўша қадимий Волга Булқорияси даврида ҳам Сабантўй нишонланган. [8]

Татар – Бошқирдлар ушбу байрамни, энг қадимий кишлок-хужалик байрамларидан бири сифатида қадимий буддизм даврига такашсада, [9,-С 63] Сабантўй ҳақидаги тўлиқ маълумот биринчи марта XVIII асрда рус лексикографи, табиатшунос ва сайёх Иван Иванович Лепехин ва немис этнографи, олим Георги Иоанн Готтлиебнинг саёхат ёзувларида битилган. [10]

Татар – Бошқирдлар орасида маросимнинг ўтказилиш тартиби қуйдагича: шудгорлар, далалар, ховли, ўтов ва чорва сув билан хўлланади. Бундан ташқари, “Сабанбўтқаси” яъни “Омоч бўтқаси” удуми ҳам маълум бўлиб, ушбу таомнинг пиширилишидан мақсад, дондан тайёрланган, каллорияга бой, тўйимли ва албатта, мазали овқат билан шудгорчилар, кексалар, болаларни меҳмон қилиш бўлган. [11]

XIX асрнинг охирига қадар Сабантўй баҳор ва ёз пайтида қаргатўйдан кейин шудгорлаш бошланишидан олдин нишонланган эди.

Сабантўй байрами дастлаб бир хил тарзда нишонланган. Бироқ, вақт ўтиши билан, байрам бошқирдлар, татарлар ва чувашларнинг турли этнографик гуруҳлари орасида бир катор ўзгаришларга учради. [12,-Б.104]

Аста-секин Сабантўй умумжаҳон ва миллатлараро байрамга айланди. Бугунги кунда у кишлоклар, шаҳарчалар, туманлар, йирик - йирик шаҳарлардан ташқари, дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида, хусусан, юртимизда ҳам нишонланади.

Замонавий Ўзбекистон ҳудудида татар халқининг этник диаспора сифатида шаклланиши Ўрта асрларда бошланган. Ўзбек ва татар тиллари ҳамда маданиятларининг ўхшашлиги, динларнинг ягоналиги, шунингдек юз йиллардан бери давом этиб келаётган қариндошчилик ришталари халқларнинг яқинлашишига ижобий

таъсир курсатган. Бугунги кунда татар миллий маданий марказлари республиканинг Жиззах, Хоразм, Фаргона вилоятларида фаолият юритмоқдалар. Улар билан бир қаторда Бухоро, Кашқадарё ва Самарқанд вилоятларида татар-бошқирд марказлари ҳам мавжуд.

1990-йилда Тошкент шаҳрида тузилган, Татар ижтимоий маданий маърифий марказида татар халқининг Абдулла Тўқай, Мусо Жалил, Гиёз Исоқий каби таниқли ёзувчилари, шоирлари ва жамоат арбоблари хотирасига бағишлаб тадбирлар утказиш анъанага айланган. Айниқса, бутун Республика учун хақиқий байналминал байрамга айланган Сабантўйда “Яшлек”, “Дуслик”, “Якташлар”, “Булгар”, “Бизен мирас”, “Лейсан”, “Изгинур” ансамбилларининг иштироки байрамга хақиқий жозиба беради. [13]

“Умырзая”-татар бошқирд миллий-маданий маркази ташаббуси билан, Самарқандда ташкил этилган Сабантўй байрамида, татар-бошқирдлар билан бир қаторда, корейс, турк, немис миллий маданий марказлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган. Байрамда Татаристонда хизмат кўрсатган артист Рамзия Бекбаева ва Республикамизнинг қатор санъаткорлари томонидан куй-қўшиқлар, миллий рақслар ижро этилган.[14]

“Сабантўй-2019” байрами фестивал даражасида, “Идел” Татар миллий маданият маркази томонидан Жиззах вилоятида ташкил этилган. Тадбирда марказ раиси А.М.Гизатулин: “Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари дустона бир катта оиладек яшаб келади”-деб таъкидлаган.[15]

Бухоро вилояти Татар-бошқирд миллий маданий маркази раҳбари Забиров Равиль Идаятуллаевич 2021 йилдан марказ фаолиятида тадбирлар, концертлар, давра суҳбатлар, анжуманларда янгича ёндашув бўлаётганлигини, давра суҳбатлари материаллари асосида китоблар нашр этилаётганлигини такидлади. Шундай китоблардан бири “Ўзбеклар ва татарлар: қардош халқларнинг кўп асирлик дўстлиги ва узаро ёрдами” номи билан нашр этилди. [16,-Б.104]

Багрикенглик, хамжихатлик халқимизга хос қадриятлардандир. Фаргона вилоятидаги Миллий маданий марказларга “Турфа халқ ва элатларни урф-одат, қадриятларини бирлаштирувчи қутлуг маскан“ сифатида қаралади. Фаргона вилояти хокими ташаббуси билан 2020-йил 19-август ойида 8 та: Татар, Славян, Корес, Немис, Турк, Яхудий, Тожик, Киргиз Миллий маданий марказларига хизмат кўрсатиш автомашиналари калитлари



топширилди ва ҳоким қарори билан, марказларнинг ҳар бирига фаолиятини ривожлантириш учун тақдим этилди.

2021-йилдан бошлаб 30-июль “Халқлар дўстлиги куни” сифатида нишонланмоқда. Мамлакатимиз Президентининг “Халқлар дўстлиги куни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисида”ги Фармониغا асосан. Миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитининг мустаҳкамланишига қушган муносиб ҳиссаси учун, “Мехнат шухрати” ордени билан Тошкент шаҳар Татар жамоатчилиқ маданий- маърифий маркази раиси – Набиуллин Ришат Хисматуллоевич, “Дўстлик” ордени билан Тошкент шаҳар Бошқирд миллий маданий маркази раиси ўринбосари- Набиева Фина Хазиахмитовна, [17] “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишони билан Хоразм вилояти татар маданий- маърифий маркази раиси - Латипова Дамира Таккильевна, тақдирланди.[18]

Хулоса қилиб айтганда, татар, татар-бошқирд миллий- маданий марказлари барчаси мамлакатимиздаги бошқа маданий-этник бирлашмалар сингари, халқ дипломатиясининг ишончли устунлари ҳисобланадилар: миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон билан Татаристон республикалари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Марказлар жамоатчилиги Татарларнинг умумжаҳон конгресси, Татар ёшлари ва аёлларининг умумжаҳон форуми ҳамда “Татармони” қушиқ фестивали каби йирик анжуманларда доим қатнашиб келади.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Mustaqillik.T.-“Sharq”-2009.
2. Валеев Г.К., Гайнуллин Ш.А. Сабантуй. «Челябинск». Сост.: В.С.Боже, В.А.Черноземцев.-Изд.исп.и доп.- Челябинск: Каменный поляс,2001.
3. Сабантуй//Большой энциклопедический словарь/Гл.ред. А.М. Прохолов.-1-е изд.-М.:Большой энциклопедия,1991.
4. Шипова Е.И. Словарь тюркизмов в русском языке. Алма-Ата: Наука,1976.
5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»Давлат илмий нашрети.-Т.: 7-т.-2004-й.
6. Бозорова М. Бухоро вилоятида фаолият олиб бораётган миллий маданий марказлар . «Умрбокий мейрос». –Т.:-2020.

## МУНДАРИЖА

“YURT AN’ANALARINI MILLATLARARO TARANNUM ETISH BOSQICHLARI”. O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat vaziri Nazarbekov Ozodbek Axmadovich. ....	4
«БОЙСУН БАҲОРИ» ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ ХАЛҚАРО ДЎСТЛИК ВА АЛОҚАЛАР РАМЗИ. Сурхондарё вилоят ҳоқими Боболов Тўра Абдиевич .....	5
БОЙСУН БАҲОРИ ФЕСТИВАЛИ МИЛЛИЙЛИГИМИЗ ИФОДАСИ. Термиз давлат университети ректори, профессор Авазжон Рахимович Марахимов.....	8

### 1-ШЎБА. ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС ФОЛЬКЛОР САНЪАТ ТАРИХИ ВА МАНБАЛАРИГА ТАРИХИЙ, АДАБИЙ-БАДИИЙ ВА ЭТНОЛОГИК ЁШДАШУВЛАР

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич. “БОЙСУН-БАҲОРИ” ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ МИЛЛИЙЛИКНИ АНГЛАШ ИФТИХОРИ ВА ТУЙҒУСИ .....	12
Улуғбек Абдуллаев. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҚАДИМГИ ТАҚИНЧОҚЛАРИ: ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ.....	27
Шодман Вахидов. ЗЕМЛЕДЕЛЬЧЕСКОЕ ХОЗЯЙСТВО Абдырахман Мырзагулович Алымбаев. НАСЕЛЕНИЯ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА НАРОДНЫЕ ГУЛЯНИЕ И ОБРЯДЫ..	36
Алима Мусировна Ауанасова. КУЗНЕЧНОЕ РЕМЕСЛО СУРХАНСКОГО ОАЗИСА.....	37
Турекеев Қ.Ж. ҚОРАҚАЛПОҚЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ НИКОҲ ТҮЙИ МАРОСИМЛАРИДАГИ ХАЛҚОНА ТАСАВВУРЛАР ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР .....	40
Фахруддинов Раиль Равилович. ЖЕНСКАЯ И ДЕТСКАЯ ОДЕЖДА СУРХАНДАРЬИ .....	46
Тилеукулов Гаухар. СТРОИТЕЛЬСТВО ЖИЛИЩ И ИХ РАЗНОВИДНОСТИ .....	48
Төрениязова Дилфуза Қуламетовна. ҚАРАҚАЛПАК ХАЛҚЫНЫҢ ӨНЕР КӘСИПЛЕРИ ТАРИЙХЫНАН.....	51
Э.Қобулов. МАНҒИТЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА БОЙСУН .....	55
Рамиль Камирович Адыгамов. НАКШБАНДИЙСКИЕ НАСТАВНИКИ ТАТАРСКИХ БОГОСЛОВОВ КОНЦА XVIII – XIX ВВ. В СРЕДНЕЙ АЗИИ.....	58